

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ

Директори  Д. Хужахонов



« ____ » _____ 2022й

БУЮРТМАЧИ:

“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ

**2022 йил давомида йўл қуриш ишларида ишлатишга
асфальтобетон махсулотлари сотиб олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ



Туракурган т.-2022 й.

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 2022 йил давомида йўл қуриш ишларида ишлатишга Асфальтобетон смес горячая щебеночная мелкозернистая тип Б марки махсулотлари сотиб олиш учун.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати – **1 262 700 000 (Бир миллиард икки юз олти миш икки миллион етти юз минг) сўм ҚҚСни хисобга олган ҳолда.** Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан Ўтказиб берувчи билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.

1.4. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй. Эл.адрес: mbabdullaev@inbox.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш объектларида хизмат кўрсатишга рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

- Ўтказиб берувчи, ишлаб чиқарган махсулотига мувофиқлик сертификатига, паспортига эга бўлиши;

- Таъминотчи талабномасига асосан белгиланган вақтларда махсулотни ишлаб чиқариб бериши (кафолат хати);

- Ишлаб чиқарувчи бўлиши шарт. Гувоҳнома, Фаолият лицензияси эга бўлиши керак.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

IV. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР

4.1. Танловда саноат ва ишлаб чиқариш объектларида ишлаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.